

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2026 йил апрель ойининг 7 куни, жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман суди, Тошлоқ МФЙ биносида, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси Б.Н.Абдуназаров, судья ёрдамчиси Ф.Фазиловнинг котиблигида, тарафлардан Тошлоқ туман прокурори ёрдамчиси Қ.Темиров, судланувчи Х.Юлбарсов ва унинг химоячиси-адвокат А.Рахманов, жабрланувчи Х.Тўйчиева, Д.Умарова ва Б.Усаровнинг иштирокида,

Юлбарсов Хикматилло Абдирахмонович (Yulbarsov Xikmatillo Abdiraxmonovich), 1986 йил 8 июнь куни Тошлоқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзанди бор, ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошлоқ тумани, Қумарик МФЙ, Фарғона кўчаси, 212-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатнома нусхасини 2026 йил 19 март куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан айбланаётганга оид 1-1517-2601/105-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, судланувчи Х.Юлбарсов 2026 йил 19 февраль куни соат 17:00 ларда бошқарувида бўлган “MATIZ” русумли 40E529EA давлат рақам белгили автомашинасида Тошлоқ тумани, Қумарик маҳалласидан ўтувчи ички йўлнинг ўнг четидан орқага қайрилиб олиш учун бурилиб, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-банди “г” бандида “ҳайдовчи ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришга мажбур”, 53-бандида “Ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак”, 54-бандида “Ҳайдовчи ёндош ҳудуддан йўлга чиқаётганда унда ҳаракатланаётган пиёдалар ва транспорт воситаларига, шунингдек, йўлдан чиқишда ҳаракатланиш йўналишини кесиб ўтаётган пиёдалар ва велосипедчиларга йўл бериши керак” деган талабларни, шу қоидаларнинг 59-бандидаги “Рельсиз транспорт воситасининг ҳайдовчиси чорраҳадан ташқарида чапга бурилиш ёки қайрилиб олишда қарама-қарши йўналишдан ҳаракатланаётган транспорт воситаларига ва бир йўналишдаги трамвайга йўл бериши шарт”, 77-бандида “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво



шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмасдан бошқариш керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиш имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмайдиган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб кўрсатилган талабларини қўпол равишда бузиб, асосий йўлда ҳаракатланиб келаётган Б.Усаров бошқарувидаги “DAMAS” русумли 40S084DB давлат белгили автомашинага йўл бермасдан чиқиб юбориши натижасида ушбу автомашина билан тўқнашиб кетиб, йўл транспорт ҳодисасини содир этганлиги натижасида, Х.Тўйчиева ўртача оғир, Д.Умарова ва Б.Усаров енгил тан жароҳати олиб, шифохонага мурожаат қилган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2026 йил 2 мартдаги 546-сонли хулосасида, Х.Тўйчиевада чап ўмров суягини ўрта учлигидан ёпиқ силжиган синиши синиқликлар жойлашган соҳасини юмшоқ тўқимасини лат ейиши, синган ўмров суягини остеосинтезлаш операциясидан кейинги ҳолати аниқланиб, бу тан жароҳатлари 21 кундан кўп муддатга соғлиғини бузилишига олиб келган ўртача оғир шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2026 йил 2 мартдаги 547-сонли хулосасида, Д.Умаровада чап елкасини, чап болдирини қонталашлари ва юмшоқ тўқималарини лат ейишлари аниқланиб, бу тан жароҳатлари оғирлик даражасига кўра, 6 кундан кўп бўлмаган муддатга соғлиғини бузилишига олиб келган енгил шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2026 йил 4 мартдаги 594-сонли хулосасида, Б.Усаровда чап болдир соҳасида қонталаш аниқланиб, бу тан жароҳатлари оғирлик даражасига кўра, 6 кундан кўп бўлмаган муддатга соғлиғини бузилишига олиб келган енгил шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Х.Юлбарсов ўзининг юқоридаги ҳаракатлари билан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиб, Х.Тўйчиева ўртача оғир, Б.Усаров ва Д.Умарова енгил тан жароҳати олишига сабабчи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Судланувчи Х.Юлбарсов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишнинг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчиларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда у билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Д.Умарова суд мажлисида ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, Х.Юлбарсовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги,



етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Х.Тўйчиева суд мажлисида ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, Х.Юлбарсовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Б.Усаров суд мажлисида ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, Х.Юлбарсовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи Х.Тўйчиева, Д.Умарова ва Б.Усаров ва судланувчи Х.Юлбарсовнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурор ва адвокатнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, Х.Юлбарсовнинг муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчилар ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув уларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда мазкур жиноят Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, Х.Юлбарсовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Х.Тўйчиева, Д.Умарова ва Б.Усаровга Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 583-моддасининг 6-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқларини йўқотишлари тушунтирилганлигини инobatга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан судланувчи Юлбарсов Хикматилло Абдирахмонович (Yulbarsov Hikmatillo Abdirahmonovich) жиноят иши бўйича тарафлар билан ярашгани



сабабли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинсин ва жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Юлбарсов Хикматилло Абдирахмоновичга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчи Х.Тўйчиева, Д.Умарова ва Б.Усаровга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқлари йўқолганлиги тушунтирилганлиги инобатга олинсин.

Ажрим устидан у чиқарилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда шу суд орқали Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг эса кассация тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Б.Н.Абдуназаров

